КУТУБХОНАСИ
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 232 (10.537) / 2005 ЙИЛ 29 НОЯБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** Учтепа туманидаги «Тулпор» автокорхонасида «Маънавият ва маърифат» марказининг Учтепа туман бўлими ташаббуси билан «Конституция — жамият асоси ва пойдевори» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги 12-оилавий поликлиникада «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Бурч ва ҳуқуқ» деб номланди.

● **БУГУН** Фан ва технологиялар маркази босмахонасида «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими ташаббуси билан «Ўзбекистоннинг жаҳонда тутган ўрни ва нуфузи» мавзуида ўтказилган тадбирда мамлакатимизда ҳар бир тармоқда, хусусан ёшлар маънавиятини шакллантиришда амалга оширилаётганислоҳотларнинг аҳамияти борасида ўзаро фикр алмашилди.

● **БУГУН** Бектемир туманидаги «Зилола» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамда Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорликларида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида ўтказилган тадбир Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланди.

● **БУГУН** Тошкент фармацевтика институтида талаба қизлар иштирокида «Маънавият ва маърифат» марказининг Миробод туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «XXI асрга ОИТС ва гиёванд моддаларсиз» деб номланди.

● **БУГУН** Ҳамза компьютер касб-ҳунар коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган «Гиёвандлик — аср вабоси» мавзуидаги давра суҳбатида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирок этишди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган "Файз" холдинг компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган мебеллар сифати ва ташқи кўриниши жиҳатидан хорижникидан асло қолишмаслиги билан алоҳида ажралиб туради. Ҳозирда компания тасарруфида 26 та корхона бўлиб, уларнинг 22 таси бевосита тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда.

**СУРАТДА: компания томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар мана шундай юқори сифатлидир.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган сурат**



## ЎҚИТУВЧИ МЕҲНАТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

**Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ўқитувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Кейинги йилларда халқ таълими тизими ходимларининг иш ҳақи бир неча бор оширилгани бунинг яна бир исботидир.**

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 25 ноябрь куни қабул қилинган «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ўқитувчилар меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш, мазкур соҳа ходимларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборнинг яна бир намойиши бўлди.

Мен қарийб йигирма йилдан буён ўқитувчилик қиламан. Шуниси қувонарлики, мамлакатимизда ушбу касб эгалари ҳеч қачон истиқлол йилларидаги каби қадр, эъзоз ва эътибор топмаган. Биз, педагоглар заҳматли касбимизнинг аҳамияти ва обрў-эътиборини тинмай ошириш, меҳнатимизни муттасил рағбатлантириш борасида изчил, аниқ мақсадга йўналтирилган самарали ишлар олиб борилаётганининг гувоҳимиз.

Кейинги йилларда халқ таълими тизими ходимларининг иш ҳақи миқдорлари бир неча бор кўтарилди. Бошланғич синфлар ўқитувчиларига ойлик устамалар, ўқитувчиларга синф раҳбарлиги, дафтарларни текширганлик, ўқув кабинетлари ва лабораториялар мудирлиги учун қўшимча ҳақлар белгиланди. Давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ ўқитувчилар учун педагогик юкламалар мақбуллаштирилди.

Буларнинг ҳаммаси давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган ва изчиллик билан ҳаётга жорий этилаётган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури, Вазирлар Маҳкамасининг «Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида»ги қарорлари каби ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Ушбу ҳужжатлар берган имкониятлар ўлароқ, мактабларда муайян фанлар бўйича педагоглар етишмаслиги, мактаб таълимига малакаси паст мутахассисларни жалб этишдек салбий ҳолатлар бартараф топмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг номи зикр этилган қарори барча педагогик жамоалар каби бизнинг таълим даргоҳимизда ҳам катта мамнуният билан кутиб олинди. Мактабимизда олтмишга яқин ўқитувчи ишлайди. Янги қарорда ўз касбига садоқат ва ташаббускорлик, юксак касб маҳоратини намоён этаётган, таълим-тарбия жараёнига катта шахсий ҳисса қўшаётган ўқитувчиларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, умумтаълим муассасалари ходимларининг меҳнат ҳақини такомиллаштириш ҳисобидан уларнинг иш ҳақи келгуси йилда барча ҳақ тўлаш манбалари ҳисобига (ҳар йилги индексациялар бу ҳисобга кирмайди) ўртача 1,3 баравар оширилади. Умумтаълим муассасалари директорлари ҳамда директорларининг ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарларининг иш ҳақи миқдори эса 2006 йилнинг 1 январидан бошлаб ўртача 1,4 баравар кўпайтирилади.

Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантириш директор жамғармасининг ташкил этилиши ҳам айни муддао бўлди. У ўқитувчиларни таргибий ва синфдан ташқари ишларни бажарганлик, касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшган аниқ ҳиссаси, юқори натижалар ва таълим сифати эътиборга олинган ҳолда моддий рағбатлантириш имконини беради. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур жамғарма маблағларини тасарруф этиш ҳар бир мактабда, унинг раҳбари бошчилигида ҳамда педагоглар ва ота-оналар жамоатчилиги вакиллари иштирокида ташкил этиладиган махсус комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Келажагимиз эгаси бўлган фарзандларимизга муносиб билим ва тарбия беришдек масъулиятли вазифани адо этишда давлатимиз раҳбари биз, ўқитувчиларга кўрсатаётган бундай ғамхўрликлардан беҳад мамнунмиз. Президентимизнинг ўқитувчиларга кўрсатаётган эътибор ва эъзози ҳар бир педагогнинг изланиши, ўз касбига иҳлоси ва айни пайтда янада юксак масъулият билан ёндошиши учун янги имкониятлар яратиши шубҳасиз.

**Наргиза ИСЛОМОВА,
Тошкент шаҳридаги 313-мактаб ўқитувчиси
ЎзА**

## «ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» — БОЛАКАЙЛАР ШОДИЁНАСИ

**Мамлакатимизда «Президент арчаси» тадбирлари ўзига хос хайрли анъанага, болакайларнинг севимли шодиёнасига айланган. Бу давлатимиз раҳбарининг ҳар бир ўғил қиз ўз Ватанида ҳур-озод яшаётганлигини ҳис этиши йўлида нимаики зарур бўлса, муҳайё этишга алоҳида эътибор қаратаётганининг яна бир далолатидир.**

Ўтган даврда «Сен ёлғиз эмассан», «Маҳалла» жамғармалари ва мамлакатимиздаги бошқа қатор ташкилот ҳамда идораларда мазкур тадбирни кўнгилдагидек ўтказиш борасида салмоқли тажриба тўпланди. Бу йилги «Президент арчасининг асосий тадбирлари 2005 йилнинг декабрь, 2006 йилнинг январь ойларида пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар марказларида ўтказилиши режалаштирилган.

Вазирлар Маҳкамасида «Президент арчаси» тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишланган йиғилишда мутасадди вазирлик ва идоралар зиммасига бу йилги байрам тадбирини юксак савияда, сермазмун ташкил этиш билан боғлиқ вазифалар юклатилган эди.

Халқ таълими вазирлиги Матбуот хизматидан маълум қилишларича, вазирликнинг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида мазкур вазифалар ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган тайёргарлик ишларининг аҳволи кўриб чиқилган. Ҳар галгидан фарқли равишда, ушбу байрам тантаналарига янада кўпроқ болани жалб этиш, шодиёналарга кичкинтойларнинг бир умр ёдида қоладиган даражада мазмун бағишлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бу эса ўз ўрнида жиддий тайёргарликни, масъулиятни талаб этади.

Шу боис байрам тантанасини кўнгилдагидек ўтказиш билан боғлиқ барча масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, жойларда жамоат тартибини сақлаш, йўл-транспорт ва ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш, «Президент арчаси», Янги йил байрами дастурларининг сценарийларини, бадиий қисмини тайёрлаш, тиббий навбатчилик ташкил этиш каби вазифалардан иборат тадбирлар режаси тузилди.

Зеро, болажонларимизга олам-олам қувонч улашадиган, уларда келажакка ишонч, Ватанга, эл-юртга садоқат туйғуларини тарбиялайдиган бундай тадбирни муваффақиятли ўтказиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

**ЎзА**

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● **"Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида илғор фермер хўжаликлари раҳбарларининг семинари бошланди.**

● **"Экосан" халқаро ташкилоти Тошкент енгил саноат ва тўқимачилик институти билан ҳамкорликда "Тоза сув—ҳаёт манбаи" мавзуида иншолар танловини ўтказди.**

● **"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг пойтахт вилоят бўлими ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларнинг тўрт нафар ногирон фарзандига операция учун бепул йўлланма берди.**

● **Гулистон шаҳрида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Шу куни меҳнат бўлими 30га яқин фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланма, 53 нафар фуқарога эса маслаҳат ва йўл-йўриқлар берди.**

● **«Камолот» ЁИҲ Жиззах вилоят кенгаши вилоят халқ таълими ҳамда касб-ҳунар бошқармалари билан биргаликда ўтказган кўрик-танловда ўқувчилар ўзларининг «Биз ОИТС ва гиёвандликка қаршимиз» мавзуидаги ишларини намойиш этишди.**

● **Бухоро вилоятининг Ғиждувон шаҳрида спортнинг кураш тури бўйича Ўзбекистон Кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.**

●**Наманган футбол мактаб-интернати тарбияланувчилари Урганч шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги республика биринчилигида ғолиб чиқди.**

### Жаҳонда

● **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши Босния ва Герцеговинадаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича Европа Иттифоқи кўпмиллатли кучларининг мандатини яна бир йилга узайтириш тўғрисида таклиф билдирди.**

● **Швейцарияда генетик жиҳатдан модификациялаштирилган маҳсулотлардан фойдаланишга нисбатан 5 йилга тақиқлов эълон қилиш масалаларига бағишланган референдум бўлиб ўтди.**

● **Дамашқ Ливаннинг собиқ бош вазири Рафиқ Ҳариррийни ўлдиришда гумон қилинаётган беш нафар юқори мансабли сурияликларни сўроқ қилиш учун розилик берди.**

● **Кучли қор ёғишлари ва кўчаланишлар ях билан қопланиши Германия йўлларида тартибсизликларни келтириб чиқарди. Хусусан, об-ҳаво ноқулайлиги туфайли тўхтаб қолган поездларнинг мингдан ортиқ йўловчилари кўлбола иситгичлардан фойдаланишга мажбур бўлдилар.**

*Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.*
*Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.*
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддаси

*Конституция куни олдидан*

# ФАН ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЖАМИЯТ РИВОЖИ

**Илм-фани илдизлари қадим замонларга бориб тақаладиган юртимизда мустақиллик йилларида илм-фан тараққиётини янада ривожлантириш, илмий тадқиқотларни юқори савияда олиб бориш учун етарли шарт-шароитларни яратиш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, фан ютуқларидан амалиётда кенг фойдаланиш масалаларига улкан эътибор қаратилмоқда. Натижада олимларимиз илм-фаннинг турли йўналишларида, жумладан физика соҳасида жаҳоншумул ютуқларни қўлга киритмоқдалар.**

**Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Саъдулла ЛУТФУЛЛАЕВ билан ЎзА мухбирининг суҳбати ана шулар хусусида бўлди.**

— Юртимизда физика соҳасига ихтисослашган ўнлаб илмий марказлар, илмий-тадқиқот институтлари, бўлимлар, тажриба-экспериментал корхона ва расадхоналар фаолият юритяпти, — дейди С.Лутфуллаев. — Фанлар академиясининг Ядро физикаси, Электроника, Астрономия институтлари, Иссиқлик физикаси бўлими, «Физика-қуёш» ва «Академасбоб» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, Космик тадқиқотлар маркази, «Радиопрепарат», «Тезлаткич» корхоналари, Китоб ва Майданакдаги радиорасадхона ана шулар жумласидандир.

Ушбу йирик илм-фан марказларида илмий тадқиқотларни юқори савияда олиб бориш учун кўплаб ноёб асбоб-ускуналар, технологик мажмуалар мавжуд. Жумладан, қуввати 10 МВт бўлган тадқиқот ядро реактори, гамма-нурлатгич қурилмалари, нейтрон генераторлари, катта қуёш сандони, Майданакдаги баланд тоғ расадхонаси, халқаро Китоб кенглик станцияси ва бошқа кўплаб замонавий асбоб-ускуналар, техник жиҳозлар олимлар ҳамда ёш мутахассислар хизматида.

Илм-фаннинг бошқа соҳалари каби физика йўналишида ҳам кўплаб буюк алломаларимиз ўзига хос мактаб яратиб қолдирганлар. Ҳозирги кунда уларнинг анъаналарини изчил давом эттираётган олимлар фаннинг фундаментал ва амалий масалаларини тадқиқ этишга йўналтирилган кенг кўламли ишларни амалга ошираётир. Бу борада эришилаётган ютуқлар нафақат мамлакатимиз илмий жамоатчилиги, балки хорижлик мутахассисларнинг ҳам эътиборини ўзига жалб этмоқда.

**— Ана шундай муҳим илмий ихтиролардан мисоллар келтириб ўтсангиз.**

— Бу ўринда қаттиқ жисмлар назарияси соҳасида яратилган оламшумул кашфиётларни айтиб ўтиш мумкин. Олимларимиз бу жабҳада дунёда биринчи бўлиб турли муҳитларда ночизиқли тўлқинларнинг тарқалиши ва эволюцияси назариясига асос солдилар. Ғалаёнланиш назариясининг вариацион услуби ривожлантирилди ва у илк бор муайян тўлқинли оптик солитонлар таъсирлашувларини ҳамда флуктуациялар таъсиридаги солитонлар динамикасини ўрганишга татбиқ қилинди. Бу назариялар келажакда жамият ривожига хизмат қиладиган кўплаб янги техника ва технологиялар яратиш, ахборот технологиялари, энергетика ва бошқа жабҳалар тараққиётини янада жадаллаштиришда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Радиацион физика ва материалшунослик соҳасида олинган натижалар эса кристалл ва нокристалл материалларнинг хусусиятларини модификациялаш, уларнинг радиация таъсирига турғунлиги ва сезгирлигини ошириш, ярим ўтказгич асбоблар яратишнинг радиациявий-технологик усулларини ишлаб чиқиш ва параметрларини бошқариш имкониятини бераётир.

Олимларимизнинг фундаментал соҳадаги бундай кашфиётлари, активацион таҳлил ва радиокимё, ярим ўтказгичлар физикаси, физикавий электроника ва сирт физикаси, оптика ва лазер физикаси ва бошқа йўналишларда яратган илмий ихтиролари халқ хўжалигининг тегишли тармоқларига тўла жорий этилаётир. Масалан, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси корхоналарида нефт-газ тармоғи учун маҳаллий хомашё асосида ишлаб чиқарилган керамик пантонлар ва фильтрлар жорий этилди. Юртимиздаги кўпгина божхона масканлари олимларимиз томонидан яратилган радиактив моддаларни аниқловчи ускуналар билан жиҳозланмоқда. Гиёвандлик моддаларини аниқловчи юқори сезгирликка эга индикаторларнинг яратилиши эса инсон саломатлигини асраш йўлида изланаётган олимларимиз фидокорона меҳнатининг яна бир маҳсулидир.

Бу борада Ядро физикаси институтида ихтиро этилган юқори самарадорликка эга илмий ишланмалардан бири — радиоизотоплардан тиббиёт соҳасида кенг фойдаланилаётир.

Мазкур институтга қарашли «Радиопрепарат» ва «Тезлаткич» корхоналарида ишлаб чиқарилаётган ушбу маҳсулот мамлакатимиз эҳтиёжини тўла қондириб, экспорт ҳам қилинмоқда. Шуниси эътиборлики, радиоизотоплар сифатлилиги жиҳатидан Европа мамлакатлари ва АҚШда ҳам харидоргир маҳсулот бўлиб қолмоқда.

Бундан ташқари, институт олимларининг тоғ-кон саноати чиқиндиларидан ноёб металларни ажратиб олиш, сувни чучуклаштириш ва бактериялардан тозалаш борасидаги янги ишланмалари ҳам амалда яхши натижа бермоқда.

**—Мамлакатимизнинг ноёб табиий бойликлари, айниқса экологик мусаффо қуёш энергиясидан фойдаланиш борасидаги имкониятлари катта. Олимларимиз бу имкониятдан самарали фойдаланиш борасида қандай илмий изланишларни амалга оширмоқдалар?**

—Тўғри, юртимиз иқлим шароитида ҳар йили бир квадрат метр ер сатҳига бир миллион етти юз минг киловатт-соат миқдорида қуёш энергияси тушади. Бу экологик тоза энергиядан халқ хўжалигининг турли жабҳаларида фойдаланиш имконини беради. Республикамизда бундан кенг миқёсда фойдаланишга тайёр бир қанча соҳалар бор.

Аҳолини иссиқ сув билан таъминлаш тизимига сарф қилинаётган энергияни тежашга мўлжалланган қуёш қурилмалари тонналаб сарфланаётган органик ёқилғини тежайди, атроф-муҳитга етказилаётган зарар камаяди.

Фанлар академиясининг «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси селектив қопламалар ва қуёш иссиқлик қурилмалари лабораториясида бундай вазифалар ечимини топишга хизмат қиладиган ноанъанавий, қайта тикланувчан ва экологик тоза қуёш энергиясидан иссиқлик манбаи сифатида фойдаланувчи қурилмалар мажмуаси яратилди.

Қуёш энергиясидан амалда фойдаланишнинг яна бир муҳим йўналиши — уни фотоэлектрик батареялар ёрдамида электр энергиясига айлантириш ва марказлашган электр тармоқлари етиб бормаган жойлардаги истеъмолчиларни таъминлашдир.

Табиийки, марказий электр тармоқларидан узоқда жойлашган кам қувватли энергия талаб қилувчи истеъмолчиларни анъанавий усулда электр энергияси билан таъминлаш иқтисодий жиҳатдан мураккаб жараён. Илмий изланишлар натижасида яратилган янги қурилма бундай муаммони бартараф этишда жуда қўл келади. Ҳозир республикамизнинг тоғолди ва чўл ҳудудларида шундай қурилмалардан бир нечтаси ишлаб турибди.

Илм-фан тараққиётини янада юксалтириш мақсадида Фанлар академияси тизимида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги илмий-тадқиқот марказлари ташкил этиляпти. Ҳозир Ядро физикаси институти, Иссиқлик физикаси бўлими ва «Академасбоб» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмасида ана шундай марказлар ишга тушди. Келгусида яна тўртта шундай тузилма ташкил этиш режалаштирилган. Бу илмий тадқиқот ҳамда тажрибаларни тез ва сифатли синовдан ўтказиш имконини бераётир.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида илм-фан салоҳиятини янада юксалтириш, янги ихтиролардан амалиётда кенг фойдаланиш, ёш тадқиқотчилар ва етук мутахассисларнинг истеъдодини тўла намоён этиши учун зарур шарт-шароит яратишга қаратилаётган улкан эътибор самараларидир.

**ЎзА мухбири**
**Баҳор ХИДИРОВА**
**суҳбатлашди.**

*Иқтисодиёт*

## РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР

**Узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатгани ҳолда темирчилик соҳаси сир-асрорларини мукаммал эгаллаган, маҳсулотларини санъат даражасига етказиб ишлаётган моҳир ҳунарманд Владимир Пилипюк нафақат ўзи фаолият юритаётган Мирзо Улуғбек туманида, балки пойтахтда, республикамизда ҳам яхши танилган.**

Уста ҳунарманд ўз касбини миридан-сиригача яхши билиши, изланиш, интилиш, ҳунарига ўзгача меҳрмуҳаббати боис ҳам жорий йилда «Ташаббус» кўрик-танловининг туман, шаҳар босқичларида фахрли ўринларни қўлга киритди.

Унинг турли — бир-бирини такрорламайдиган, замонавийлик билан анъанавийлик ўзаро уйғунлашган темирчилик маҳсулотлари мижозлар эътиборида. Владимир Пилипюк ҳар бир ижодий ишига, масалан, шамдон /уларнинг ўзи 20 хилдан ортиқ/лар ясашга киришишдан аввал турли тарихий манбаларга мурожаат қилади, буюртманинг қаерга жойлаштирилиши ва бошқа томонларни синчиклаб ўрганади.

Саховатпеша ҳунарманд кўплаб буюмларини шаҳримиздаги болалар ижодиёти уйларига, Меҳрибонлик уйларига ҳадя сифатида тортиқ қилади.

## ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

**Эзгу мақсадлар инсоннинг келгуси истиқболини белгилашда мадад бўлиши аниқ. Яхши ниятлар билан минг бир дардга даво бўладиган шифобахш чойлар ишлаб чиқаришни режалаб иш юритаётган «Нафис олам» масъулияти чекланган жамияти жамоаси, маҳсулотларининг севиб истеъмол қилинишига астойдил бел боғлашган.**

Жорий йилда корхона Тошкент кимё-биология институтининг етакчи мутахассислари, «Шифобахш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда шаҳримиздаги хусусий тадбиркорлар билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Ҳозирги кунда савдога шифобахш наъматакдан 3 турдаги чой тайёрланиб, чиройли қадоқланган ҳолда чиқарилмоқда.

Шунингдек, йил охиригача корхона тадбиркорларининг саъй-ҳаракатлари билан доривор ўсимликлардан 12 турдаги чойлар ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб бериш йўлида қизғин иш олиб борилмоқда. «Интилганга толе ёр» деб халқимиз бежиз айтмайди. Зеро, аниқ режа асосида интилган инсонларгина мақсадларига етадилар.

**Муқаддас УМАРБЕКОВА**

**Республика ўқувчилар саройининг Тасвирий ва амалий санъат бўлими ҳамда "Усто" ижодий ишлаб чиқариш уюшмаси ҳамкорлигида устоз ва шогирдлар ўртасида ижодий учрашув ўтказилди.**

## УСТОЗ ВА ШОГИРД УЧРАШУВИ

Соҳа ходимлари томонидан Ўқувчилар саройида фаолият кўрсатаётган тўгаракларда ҳунар ўрганаётган болаларнинг қобилияти ва меҳнатга чанқоқлиги юқори баҳоланмоқда. Дарсларни яхши ўзлаштириш билан бирга рассомлик, наққошлик ва ҳунармандчилик каби тўгаракларга мунтазам қатнашиб бориш болани тўғри тарбия қилинаётганлиги ва оилавий муҳитнинг соғломлигидан дарак беради. Мазкур саройда миллий ҳунармандчилик тўгараги аъзолари билан усталар ўртасида учрашув ўтказиш анъанага айланган. Бундай учрашувлар ёшлар ижодини севиб томоша қиладиган усталар билан юзма-юз бўладилар. Устоз ва шогирдлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишади.

Навбатдаги учрашувда Ўзбекистон халқ рассоми Ортиқ Файзуллаев ҳамда Ўзбекистон халқ устаси Сирожиддин Раҳматуллаев амалий санъат соҳасини эгаллашни истаган ёшларга йўл-йўриқ ва кўрсатмалар беришди. Шунингдек, жаҳон амалий санъати намоёндалари ҳамда ўзбек миллий ҳунармандчилик усталари ҳақида маълумот беришди.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

## ФЕСТИВАЛЬ

**Тошкентда "Ёшлар" телеканали ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида "Заковат" интеллектуал фестивали ўтказилди. Унда республикамизнинг барча вилоятларида ўтказилиб келинадиган интеллектуал ўйин иштирокчилари иштирок этишди.**

"Ёшлар" телеканалида "Заковат" интеллектуал ўйини беш йилдан буён ўтказилиб келинмоқда. Ўтган вақт мобайнида ушбу кўрсатув орқали янги-янги жамоалар шаклланди. Пухта билимга эга бўлган киши ҳар қандай синовлардан муваффақияли ўтиши аниқ. Бундай ўйинлар барча вилоятларда ташкил этилиб, уларда ёшлар фаол иштирок этиб келмоқда. Фестивални ўтказишдан мақсад, ушбу жамоаларнинг бошини бириктириб, энг кучли жамоани аниқлашдан иборат.

**«Туркистон-пресс»**

*Ҳамкорлик*

# ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон ва Россия, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома нега одамлар суҳбатининг, журналистлар фаолиятининг асосий мавзуига айланиб қолди. Бу ерда бир гап борми?**

Турган гапки, одамларга шу ҳақда гаплашинглар, деб буйруқ бериб бўлмайди. Мухбирлар, одатда, қайси мавзуда бўлмасин, бир-икки ёзгач, анча тинчиб қолишарди. Лекин улар ҳали-бери тўхтайдиган эмас. Ҳақиқатан ҳам бир гап борга ўхшайди. Ўша “бир гап”дан олдин бошқа мулоҳаза ҳақида тўхталмоқчиман. Юртдошларимиз иккала мамлакат раҳбарларининг учрашувини телевизорда томоша қилиб, ич-ичидан хурсанд бўлди. Бундай ҳамкорликни маъқуллаб, зўр иш бўлди, дея кўнглидан ўтказди. Ўзбекистон Россия билан алоқаларни ҳеч қачон узган эмас. Икки мамлакат ҳамкорлигида ташкил этилган қўшма корхоналардан 267 таси Россияда, 433 таси Ўзбекистонда ишлаб турибди. Савдо айланмасининг ҳажми бир йилда икки миллиард АҚШ долларига етди.

Россия бугунги кунда демократик тамойиллар ривожланаётган мамлакатлар сирасига киради. Шўро давлати тарқагач, Россия ва Ўзбекистон дастлабки даврданоқ иқтисодий ва маданий алоқаларни ўрнатишга киришди. Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1992 йил 30 майда ҳукуматлараро муносабатлар асосида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳақида шартнома, 1998-2000 йилларда иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш ҳақида икки давлат ўртасида шартнома тузилган бўлиб, шу асосда халқ хўжалигининг турли тармоқларида биргаликда фаолият юритиш белгиланди. Масалан, биргина Тошкент вилоятида жорий йилнинг ўн ойи давомида ҳамкорликда тузилган 25 та қўшма корхона рўйхатдан ўтказилиб, маҳсулот ишлаб чиқаряпти. Ташқи савдо айланмаси эса ўтган тўққиз ойда 179732, 2 минг АҚШ долларини ташкил этди. Республикамизда Россия сармоядорлари иштирокида тузилган қўшма корхоналар ёрдамида иқтисодиётнинг оғир саноат, тўқимачилик, пахтани қайта ишлаш, металлургия, кимё-фармацевтика, автомобиль, озиқ-овқат саноати, ёқилғи-энергетика, қишлоқ хўжалик соҳаларини ривожлантириш кўзда тутилган. Россия Федерациясига мева ва сабзавот, пахта толаси, мис, рангли металл, металлокерамика, трансформатор, турбокомпрессор, гранит, мармар ва бошқа материаллар экспорт қилинса, у ёқдан қурилиш материаллари, ёқилғи, кимё ва фармацевтика маҳсулотлари, пластмасса, каучук, резина маҳсулотлари, тахта-ёғоч, қоғоз, қора металл, реакторлар, токли машина ва бошқа асбоб-ускуналар келтириляпти.

Шу ўринда Россия бозорига, айрим озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол талабига бир назар ташласак. Фақатгина мева бозорининг йиллик айланмаси олти миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Истеъмол қилинадиган меванинг ярмидан кўпи мамлакатга ташқаридан келтирилади. Ҳар бир россиялик харид қиладиган озиқ-овқат маҳсулотининг олти фоизини мева, яна шунча фоизини сабзавот ташкил қилади. Бошқача айтганда ҳар бир россиялик бир йилда 32 килограмм мева, 80 килограмм сабзавот истеъмол қилади. Тиббиёт ходимларининг фикрига кўра, ҳар бир одам ўрта ҳисобда йилига 130 килограмм атрофида мева-сабзавот истеъмол қилиши зарур. Ҳудудий жиҳатдан анча катта бу мамлакатда йилига 13 миллион тоннага яқин сабзавот, салкам 33 миллион тонна картошка етиштирилади.

Бугунга келиб Ўзбекистон ва Россия ўртасида иқтисодий алоқаларнинг мавжудлиги ва амал қилаётганига қарамасдан бу мамлакатлар иккала мамлакатнинг имконияти ҳамда бозор талаблари даражасида эмаслиги аён бўлиб қолди. Россия бозорида бизнинг маҳсулотимизга, республикамиз бозорида эса Россия маҳсулотига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда десак муболаға бўлмайди. Бундай эҳтиёжни қондиришдан иккала томон ҳам бирдек тенг манфаат кўриши барчага бирдек равшан бўлиб қолди.

Юқорида айтмоқчи бўлган “бир гап” имизнинг асосийларидан биттаси шу.

Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши, бу ҳаракат замондошларимизнинг дилидаги орзу-истаклари ила ҳамоҳанглиги билан ҳам ғоят аҳамиятли. Бу мавзу юртдошларимиз тилидан, газеталар саҳифасидан тушмаётганлигининг сабаби шундан.

Айтгандай, куни кеча фермер қариндошимникига борсам кайфияти яхши. “Ҳа” десам, “Россиянинг тракторини оладиган бўлдим “ дейди. Қариндошимнинг хурсандчилигини тушунса бўлади. Россиянинг тракторига гап йўқ, дейди у. Занжирли тракторлари ерни ҳайдаганда чуқур олади, шудгорни эзиб, тупроқнинг қатламасини чиқармайди. Ғалла ҳосилини йиғиштириб олгандан кейин деҳқонга нима керак — буғдойнинг пояси керак. Россиянинг техникаси буғдойни ўргандан кейин поясини майдалаб чиқаради. Бу дегани мол еганда нишхўрт чиқармасдан охиригача паққос туширади. Буям айтмоқчи бўлган “бир гап”нинг яна биттаси бўлади.

**Ҳусан СУЛАЙМОНОВ,**
**“Туркистон-пресс”**

*Маънавият*

## ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

**Талаба-ёшлар орасида кундалик ҳаёт воқеалари билан қизиқаётганлар кўп. Буни инобатга олиб, Тошкент Давлат педагогика университети ректорати ибратли ишга қўл урди.**

Олий ўқув юртида “Ахборот соатлари” йўлга қўйилди. 45 дақиқага мўлжалланган бу маърифий тадбир ёшларнинг мустақил фикрини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Университетда ташкил этилган “Ахборот гуруҳи” таркиби эса ижтимоий-гуманитар фанлардан дарс берувчи олимлардан иборат.

Ҳар бир гуруҳ педагоги камида 25 нафар талаба билан машғулот ўтказмоқда.

## РЕЖИССЁР ЯРАТГАН ҚЎЛЛАНМАЛАР

**Таниқли кинорежиссёр, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳодир Аҳмедов кўплаб фильмларни яратди. Унинг “Ўзбектелефильм” студиясида суратга олган экран асарлари ҳам томошабинларга манзур бўлмоқда.**

Шу ўринда “Лафз”, “Боғ”, “Имон” деб номланган телевизион фильмларни кўрсатиб ўтиш жоиздир. Режиссёр кадрлар тайёрлаш билан ҳам шуғулланмоқда. У Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтида талабаларга телевизион фильмлар санъатини ўргатишга киришди.

Ўзининг кўп йиллик ижодий тажрибаси асосида эса “Телевизион фильмлар режиссураси” деб номланган қўлланмани тайёрлади. У талаба-ёшлар учун яхши ўқув адабиёти бўлиб хизмат қилмоқда.

Бундан олдин эса санъаткорнинг “Бир кун ва бутун умр”, “Кино белгиси билан” номли китоблари чоп этилган.

## ЮБИЛЕЙГА КАТТА ТАРАДДУД

**Тиббиёт оламининг буюк намояндаси Абу Али ибн Сино номи халқаро доирада кенг оммалашган. Буюк аллома таваллудининг 1025 йиллигига тайёргарлик кўрилаётган бир вақтда ана шу бебаҳо меросга бўлган қизиқиш янада ортди.**

Ибн Сино халқаро жамғармаси шу сана муносабати билан қатор илмий тадбирларни амалга оширмоқда.

Анъанага айланган “Халқаро Ибн Сино ўқишлари”га ҳам катта тараддуд кўрилмоқда.

Бу сафарги бундай йирик илмий-амалий анжуман олим туғилган шаҳар — Бухорода ўтказилади. Унда четдан ҳам кўплаб таниқли шифокор олимлар иштирок этади.

**Акбар АЛИЕВ**

*Бозор ва харидор*

# ЖАЖЖИ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ УЧУН

**Азал-азалдан болажонлиги билан ажралиб турган халқимиз ҳамма яхши нарсаларни фарзандларига раво кўришганки, бунда олам-олам маъно мужассам. Бугунги кунда ҳам ички бозоримизда болажонларимиз учун сифатли, кўркам, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналар сони ортиб бораётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Уларнинг орасида Ҳамза туманида самарали фаолият юритаётган «SHAFAQ-TEKSTIL» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси алоҳида ўрин тутади.**

— Бизнинг маҳсулотларимиз импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош ҳамда нархи ҳам анча арзонлиги билан харидоргир, — дейди корхона директори Рокия Хабиалиева, — Мустақиллигимиз шарофати билан хорижий шериклар, хусусан трикотаж маҳсулотлари билан дунёга машҳур туркиялик етук мутахассислар кўмагида корхонамизда янги туғилган «меҳмонлар» учун 100 фоиз пахтадан бежирим, бирбиридан чиройли, қулай кийим-кечаклар ишлаб чиқармоқдамиз. Бунда албатта, юртимизда иқтисодиётни юксалтириш учун босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар, ишбилармонларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида чиқаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар жуда қўл келмоқда. Бу йўлдаги самарали саъй-ҳаракатлар тадбиркорларнинг бир имкониятларига яна ўнта имкониятлар эшигини очаётган ҳамда Юртбошимизнинг ушбу йўналишдаги қатор Фармонлари ва Қарори бизга ҳам дастурулмал бўлди.

Мазкур қўшма корхона 2002 йилда фаолият бошлаган бўлиб, бугунги кунга келиб харидор диди ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда 72 хилдаги 3 ёшгача бўлган болаларга сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Сифат бош мезон бўлган жамоада 30 нафар интилувчан, касбига меҳр қўйган ишчи-хизматчилар меҳнат қилишади.

Ушбу жамоанинг қўли гул чеварлари, моҳир бичиқчиларига цехларда ўрнатилган Туркиядан келтирилган замонавий, юксак унумли дастгоҳ, ускуна, тикув машиналари ҳақиқий мададкор бўлмоқда. Эътиборли томони, корхонада тайёрланаётган йўргак тўпламлари, чақалоқларга мўлжалланган кийим-кечаклар учун фақат сифатли матолар ишлатилади. Бу эса уларнинг маҳсулоти ички бозоримизда муқим ўрин эгаллашига, келгусида эса буюртмачилар сафи кенгайиб боришида асосий омил ҳисобланади.

— Жорий йилда эътиборан маҳсулотларимиз учун хом ашёни юртингизда фаолият юритаётган, — дейди «SHAFAQ-TEKSTIL» қўшма корхонасининг бош директори, туркиялик моҳир дизайнчи Одил Окчакора, —сифати жаҳон андозаларига мос тўқимачилик матолари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналаридан оляпмиз. — Шуни алоҳида таъкидлашни хоҳлардимки, мен кўплаб давлатларда бўлганман. Бинобарин юртингизда давлат томонидан хусусий тадбиркорларга ҳамда биз каби хорижий сармоядорларга ишлашлари учун яратилаётган шарт-шароитлар мени қониқтиради. Бугунги кунда тайёрланаётган кийим-кечаклар «хамир учидан патир» деганларидек, жуда оз. Келгусида замонавий бичимли, кўркам, харидоргир маҳсулотларимиз турлари 1000 тага ҳам етказишимиз мумкин. Бунинг учун эса ички бозоримизни мунтазам, чуқур ўрганиб боришимиз керак ҳамда буюртмачилар сафини кенгайтириш зарур. Қувончлиси сизларда барча имкониятлар етарли. Айниқса, ёшларингиз очиқ юзли, меҳнаткаш, зукко, асосийси, касбига жон-дили билан ёндашади.

Дарҳақиқат, «Интилганга толе ёр» деб халқимиз бежиз айтмайди. Интилиш, изланиш туфайли хорижий тадбиркор ҳамкорларнинг саъй-ҳаракатлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш асносида янги иш жойларини яратишга қаратилганлиги эътиборга лойиқдир.







**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: қўшма корхона фаолиятидан лавҳалар.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар**

*Қиш — синов даври*

# МУНТАЗАМ ВА ВАҚТИДА ТАЪМИНЛАНАДИ



**Қишнинг қорли-қировли кунлари яқинлашиб келаётган айни кунларда хонадонимизда гуриллаб ёниб, овқатимизу чойимизни тайёрлашда, уйимизни иситишда беминнат дастёр саналган "зангори олов"нинг қадри янада билинади. Чунки қимматбаҳо ва зарур бойлигимиз саналган табиий газ турмушимиз файзи, мушкулимизни осон, оғиримизни енгил қиладиган неъматлардан саналади. Шу боис ҳам унинг қадрига етиш, тежаб-тергаб фойдаланиш ҳар бир истеъмолчининг бурчи ҳисобланади.**



— Бугунги кунда табиий газни исроф қилиш, ундан ноқонуний фойдаланиш қишки мавсумнинг кўнгилдагидек ўтишида истеъмолчиларга зарар келтиришини ҳар биримиз англаб етишимиз даркор, — дейди "Тошкентшаҳаргаз" ҳудудий газ таъминоти корхонаси директорининг ўринбосари Абдумажид Мирсагатов. — Пойтахтимиздаги корхона, ташкилот, муассаса ва аҳоли хонадонларини узлуксиз ва хавф-хатарсиз табиий газ билан таъминлаш вазифасини зиммасига олган жамоамиз ходимлари синов даври бўлган қиш фаслига тайёргарлик мобайнида носозликларни бартараф этиш, истеъмолчиларга қулайликлар яратиш баробарида тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам кенг миқёсда олиб боришди. Негаки бунинг газ исрофгарчилигининг ҳамда нохуш ҳодисаларнинг олдини олишдаги аҳамияти каттадир.

Бежизга "Қиш тайёргарликни ёқтиради", дея таъкидланмайди. Чунки ана шу тайёргарликнинг пухта кўрилиши совуқ кунларда самара берса, озгина лоқайдлик камчиликларни рўйи рост кўрсатиб қўяди.

**— Шундай экан корхона жамоаси қиш тайёргарлигини қандай олиб борди? Истеъмолчиларни совуқ кунларда ранжитиб қўймаймизми?**

— Албатта, жамоамиз аҳли ҳамиша истеъмолчилар олдида юзлари ёруғ бўлишини истайди. Шу боис ҳам Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2005 йил 24 февралдаги "Тошкент шаҳар хўжалигини 2005-2006 йил кузги-қишки мавсумда ишлашга тайёрлаш тўғрисида"ги қарори асосида корхонамизда тадбирлар режаси ишлаб чиқилган эди. Ана шунга кўра пойтахтимизда 24 километр ер ости газ қувурларини мукаммал таъмирлаш, 1528 та газ тартиблаш пунктларини техник тафтишдан ўтказиш, 200 тасини жорий таъмирлаш, 10 километр газ қувурларини босим остида синаш, 1160 километр газ қувурларидан газ сизиб чиқиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида ускуналар асосида текшириш, 10 километр ер ости газ қувурларини қайта таъмирлаш ва бўяш, 205412 та мавжуд дудбўрон ва шамоллатиш каналларини текшириш режасини тўлиқ бажаришга муваффақ бўлдик. Айрим режадан ташқари юмушларни ҳам муваффақиятли уддаладик.

Яна шуни таъкидлаш ўринлики, ўтган мавсумда шаҳримизнинг айрим ҳудудларида табиий газ етишмовчилиги бўлганини ҳисобга олиб 4 километрдан ортиқ ҳалқаланган газ қувурлари қурилди. Шайхонтоҳур туманидаги Х.Расулов, Бешлола, С.Раҳимов туманидаги Чувалачи, Миробод туманидаги 8-март кўчалари шулар жумласидандир. Яна қўшимча 8 та газ тартиблаш пунктлари ўрнатилди.

**— Шу ўринда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги "Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига замонавий ҳисобга олиш приборларини ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш дастури тўғрисида"-ги қарори ижроси юзасидан ҳам маълумот берсангиз.**

— Шаҳримизда 540906 та турар жой уйлари мавжуд бўлиб, шу жумладан хусусий хонадонлар 126919 та ҳамда кўп қаватли бинолардаги хонадонлар 413987 тани ташкил этади. Пойтахтимизда 1 октябрь ҳолатига кўра газ ҳисоблагичлар ўрнатиш 99,7 фоизга адо этилди. Бу албатта, тежамкорликда, исрофгарчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, газ исрофгарчилигининг олдини олишда ноқонуний фойдаланаётган истеъмолчиларни аниқлаш ва уларни газ тармоғидан узиб қўйишга ҳам катта эътибор қаратилганлиги тежамкорликда, аҳолини етарли даражада "зангори олов" билан таъминлашда қўл келади. Жорий йилда 639 нафар ана шундай ноқонуний ҳолатлар аниқланиб, улардан 9124,8 минг сўм миқдорида ишлатилган газ ҳақи ундирилди ҳамда ноқонуний ишлатилган газ ҳақини тўламаган 222 та истеъмолчининг ҳужжатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширилди.

Шунингдек, тежамкорликни ошириш мақсадида барча тумангазларда табиий газ истеъмолчилари ўртасида хатлов ўтказишди. Хатловда 23 та юридик шахс мақоми берилмаган газдан ноқонуний фойдаланаётган истеъмолчилар тумангаз филиаллари томонидан тармоқдан узилди. Натижада ноқонуний ишлатилган газ сарфи ҳисобланиб, ҳужжатлар маъмурий чоралар кўриш ва газ ҳақини ундириш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилди. Ҳозирда бу борадаги ишлар янада жадаллаштирилган.

**— Анъанавий тарзда ўтказиладиган "Газдан хавфсиз фойдаланиш икки ойлиги"да кўзланган мақсадларга эришилдими?**

— Ҳар йили 1 сентябрдан 1 ноябргача ўтказиладиган ушбу катта тадбирнинг аҳамияти шундаки, мавсум тайёргарлигини кўрикдан ўтказишда, охири юмушларни амалга оширишда, газдан ноқонуний ва ўзбошимчалик билан фойдаланиш, мавжуд қонун-қоидаларга амал қилмаслик натижасида келиб чиқадиган нохуш ҳодисаларнинг олдини олишда корхонамиз ходимлари билан биргаликда истеъмолчиларнинг ҳам масъулиятини оширамиз. Шаҳримиз корхона, ташкилот, муассаса, маҳаллаларида ўтказилган суҳбат ва мулоқотлар, ҳар бир хонадонда олиб борилган тушунтириш ишлари тадбир муваффақиятини таъминлайди. Тадбирни уюшқоқликда ўтказган, кўзда тутилган мақсадга эришган тумангазлар ғолиб топилиб, алоҳида рағбатлантирилади.

**— Сиҳат-саломатлик йили якунига етмоқда, лекин саломатлик ҳамиша энг азиз бойлигимиз саналади. Пойтахтимизнинг ҳар бир хонадонига кириб борадиган «зангори олов» заҳматкашлари — корхона ишчи-хизматчиларининг саломатлигини мустаҳкамлаш, дам олишларини ташкил этишда қандай ишлар бажариляпти?**

—Ишчи-хизматчиларимизнинг саломатликларини мустаҳкамлаш борасида ғамхўрлик кўрсатилиб, жорий йилда тиббий муассасаларга 4630,4 минг сўм миқдорида пул маблағлари ўтказилди. Тасарруфимиздаги Бўстонлиқ туманида жойлашган «Зангори олов» болалар соғломлаштириш оромгоҳига ходимларнинг фарзандлари учун 850 та, ишчиларга эса дам олиш масканларига 40 та йўлланма берилди. Митрофанов номидаги соғломлаштириш сузиш ҳавзасига 580 минг сўмлик 200 та йўлланма ишчи-ходимларга тарқатилди. Жамоа касаба уюшмаси бу борада ўз иш режаси асосида фаолият кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, табиий газдан ноқонуний фойдаланиш, унинг исрофгарчилигига йўл қўйиш ҳамда сарф қилинган газ ҳақини вақтида тўламаслик истеъмолчиларга мунтазам ва хавф-хатарсиз «зангори олов» етказиб беришда айрим муаммоларни туғдириши табиий. Шу боис ҳам истеъмолчиларимиз мунтазам ҳисоб-китобни унутишмаса, хизмат ҳам ҳақига яраша бўлиши, шубҳасиз.

**Суҳбатдош**
**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: "Газдан хавфсиз фойдаланиш ойлиги"да хонадонларда аниқланган носозликлар бартараф этилмоқда.**



*Ўз уйим — ўлан тўшагим*

## БИЗДА ҚАРЗДОРЛАР ЙЎҚ

**• Валентина РАКУШЕВА, Яккасарой туманидаги "Ка-файз" уй-жой мулкдорлари ширкати раиси:**

— Ширкатимизнинг ташкил топганига 5 йил тўлган бўлса, ҳамиша уйимиздаги муаммоларимизни ҳамжиҳатликда ҳал этишга ҳаракат қиламиз. Бундай ишдан эса бизда ҳеч ким четда қолмайди. Чунки бизнинг ширкат битта кўп қаватли уйдан ташкил топган бўлиб, 35 та хонадон аъзоларини бирлаштирган.

Аввало, ширкатимиздаги ҳар бир мулкдор ўзи тўлаётган пулнинг нималарга сарфланаётганидан бохабар — негаки қилинган ва қилинажак ишлардан уларни йилда икки марта ўтказиладиган умумий йиғилишимизда хабардор этамиз. Ўтган фаолиятимиз давомида яхши яшашимизни таъминлаш, қулайликлардан биргаликда баҳраманд бўлиш ниятида чордоқ ва ертўлалар тозаланди ва ҳозирда доимий назоратда. Тозалик ва ободончилик ишларини аҳолининг ўзи ҳашар йўли билан амалга оширади. Шу боис ҳам йўлакларимиз, ҳовлиларимиз доимо озода ва саранжом-саришта.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, яшовчиларимиз тўла мулкдорлик ҳиссини англаганлари боис ҳам тўловларни вақтида, ҳатто муддатидан олдин бажаришади. Ҳеч ким қўшнилар ҳисобига яшамайди. Шу боис бўлса керак, жорий таъмир ишларини, қишга тайёргарлик юмушларини вақтида бажарамиз ва мавсумда муаммоларимиз бўлмайди.

Ҳамжиҳатлигимиз яна шунда самара берадики, яқинда Урбан институти (Тошкент) томонидан уюштирилган энг яхши ширкатлар тажрибаси кўрик-танловида ғолиб бўлиб, 6 минг долларлик грантни қўлга киритдик. Насиб этса, ушбу маблағдан уйимиз ҳолатини янада яхшилаш, яшовчиларга қулайлик яратиш мақсадида фойдаланиш ниятидамиз. Албатта, битта уйда бир ширкат ташкил этишнинг яхши томонлари жуда кўп. Бу ширкат раҳбари учун ҳам, яшовчилар учун ҳам қулай бўлиб, тўлаётган пулинг ўзингга намунали хизмат бўлиб қайтаётганини яққол кўриб турасан. Мақсадимиз уйимизни ҳам, ширкатимизни ҳам пойтахтимиздагина эмас, балки мамлакатимизда энг намунали уйлар қаторида олиб юриш. Бу билан биз фақат ўзимизга фаровонлик ва яхши шароит яратамиз.

## ҲАМЖИҲАТЛИКДА ГАП КЎП

**• Азим ҲАМИДОВ, Мирзо Улуғбек туманидаги "Ёшлик" маҳалласи фаоли, 35-кўп қаватли уй, 1-хонадон соҳиби:**

— Президентимизнинг "Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида биз яшаётган кўп қаватли уйда ҳам, маҳалламиздаги кўп қаватли турар жой биноларида ҳам ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

— Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардимки, аввало ташаббусга яшовчиларнинг ўзини тортиш, уларда ўз истиқомат жойларига меҳр-муҳаббат уйғотиш зарур деб ўйлайман. Бу борада маҳалла фаоллари, хотин-қизлар комиссияси фаоллик кўрсатиши лозим. Ахир қачонгача боқимандa кайфиятда бўлиш, четдан ёрдам кутиш мумкин? Масалан, хусусий хонадонларда яшовчилардан ўрнак олиш керак, деб ўйлайман. Навбатчилик ташкил этиб, йўлакларни тозалаш, ҳовлиларни орасталаш, гул ва дарахтлар парваришига эътибор қаратиш қийин иш эмас-ку. Бизнинг уйдагилар ҳам йўлаклар таъмирига муносиб ҳисса қўшишди. Ахир уйимиз чиройли, файзли бўлса, ундан ўзимиз баҳра оламизку.

## ИБРАТ ОЛИШСА

**• Муяссар ФАЙЗИЕВА, кўп қаватли уйда яшовчи онахон:**

— Ҳамма жойга ҳам қарасанг кўркам. Агарда "Менга нима?" қабилида иш тутсанг, яшнаб турган жой ҳам тез кунда киши дилини ранжитадиган харобага айланади-қолади. Кўп қаватли уйлар ҳам маҳаллаларга бирлашгану, лекин кўпинча бирорта маҳалла оқсоқоли ёки фаолининг қизиққанини кўрмайсиз. Фақат зарур бўлиб қолган ҳоллардагина участка нозири рўйхатдан қайд этилганингизни кўриб кетади.

Шаҳримизда 9 мингтадан зиёд кўп қаватли уй бор. Уларнинг барчаси маҳаллаларга бирлашган, Президентимизнинг уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳақидаги қарори асосида ширкатлардаги уйлар сони ҳам камайди. Бу менимча ишлаш учун, уйларга эътибор қаратиш, аҳолига шароит яратиш учун имкониятдир. Шу боис ҳам маҳалла хотин-қизлар комиссияси ҳам кўп қаватли уйлардаги аёллар, балоғат ёшидаги қизлар билан ҳамжиҳатликни кучайтирса, "Энг яхши уй", "Энг тоза йўлакча", "Кўп қаватли уйнинг ибратли келини" сингари танловлар ўтказилса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Шунингдек, аёлларимиз ўсиб келаётган ўғил-қизларга уйларни сақлашда, орасталашда ўрнак бўлишса, ўргатишса ўз турган жойимизни обод этган бўлардик. Айниқса, ёзги таътил кунларида бекор юрган ўсмир болаларни жалб этиб, ўзлари яшаётган кўп қаватли уй олдида ҳашарлар уюштирилса яхши эмасми? Бунинг учун эса маҳалла, аҳоли, ширкат биргаликда ҳаракат қилиши, катталар кичикларга ибрат кўрсатмоғи керак. Ана шунда кўп қаватли уйлардаги муаммолар ҳам осон ечимини топарди, барча яшовчилар "кўпники" деб эмас, "ўзимизники" дейишга ўрганарди.

*"Тошкент оқшоми"га жавоб берадилар*

## НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛАДИ

**Газетамизнинг 2005 йил 5 сентябрь сонида эълон қилинган "Рақамлар нега нотекис?" номли танқидий чиқишда кўп қаватли уйлардаги айрим муаммоли ҳолатлар ёритилган эди. Ушбу мақола юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармаси бошқарувчиси С.Ибрагимов имзоси билан қуйидаги жавоб хати олинди:**

"Ободонлаштириш бош бошқармаси томонидан "Тошкент оқшоми" газетасида чоп этилган "Рақамлар нега нотекис?" номли мақола ўрганиб чиқилди.

Шуни айтиб ўтиш ўринлики, шаҳримиздаги кўп қаватли турар жой бинолари ва уларнинг рақамларини тартибга келтириш коммунал-ҳудудий фойдаланиш бошқармаси ва жойлардаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан олиб борилади.

Газетада кўтарилган масала бўйича Сергели туман ободонлаштириш бошқармасига ўз тасарруфидаги кўп қаватли турар жой биноларининг тартиб рақамларини таҳлил қилиб, бу борада назоратни кучайтириш ҳақида кўрсатма берилди".

# УЙ–ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: истиқбол ва муаммолар

**Қимматбаҳо бойликларимиз — турмушимизда ниҳоятда асқотадиган электр энергияси, газ, сув каби неъматларни тежаб-тергашда, исрофгарчилигига йўл қўймасликда ўлчов асбобларининг ниҳоятда фойдали эканлигини тажриба исботламоқда. Албатта, сарфига яраша ҳақ тўлангач истеъмолчи ҳам уларни беҳудага ишлатмайди.**





*Ўлчов—тежамкорликка гаров*

## ҚУЁШ КОЛЛЕКТОРЛАРИ ҲАМ ТАЙЁРЛАНАДИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига замонавий ҳисобга олиш приборларини ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш дастури тўғрисида»ги қарори эълон қилиниб, унга кўра табиий газни ҳисобга олиш приборларини ўрнатишни 2005 йил 1 сентябргача, совуқ ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини қўйишни эса 2007 йил 1 июлгача туғаллаш кўрсатилган.

Ана шу қарор ижросини таъминлашга пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «TOSHKENT-ZENNER» қўшма корхонаси ҳам ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилмоқда. Корхона тадбиркорлари томонидан замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган совуқ ва иссиқ сув ўлчагичлари сифат ва кафолати билан ажралиб туради. Яна шуниси эътиборлики, кейинги йилларда корхонада ҳисоблагичларни ишлаб чиқариш баробарида «Сувсоз» тресте унитар корхонаси билан тузилган шартнома асосида уларни жойларга чиқиб ўрнатиш ҳам жорий этилди. Бунинг учун эса малакали пайвандчилар ва мутахассислардан иборат бригадалар ташкил этилди. Натижада корхонада яна қўшимча 40 та ишчи ўрни яратилди.

Албатта, ҳисоблагичларнинг тўғри ишлаши, ҳисоб-китобнинг аниқ бўлиши уларни ўрнатишга ҳам боғлиқ. Ўзларининг ишлаб чиқараётган кафолатли, яъни қаттиқ метрологик назоратдан ўтган ҳисоблагичларни хонадонларга ўрнатаётган тадбиркорлар, ускунанинг ишлашини назорат қилиш, тежамкорликдаги фойдасини кўриш каби масъулиятларни ҳам зиммаларига олишган.

— Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, — дейди қўшма корхона бош директори Вилли Хубер, — Германиянинг машҳур «ZENNER» фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган корхонанинг асосий мақсади ички бозорни рақобатбардош маҳсулот билан таъминлаш баробарида экспорт ҳажмини ҳам ошириб бориш, хорижий харидорларни ҳам жалб этишдир. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз сифатига тўла кафолат берамиз. Чунки Германиядан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган цехларимизда жаҳон андозалари даражасидаги ўлчаш ускуналари тайёрланади. Шу ўринда айтиш керакки, ҳисоблагичлар ишлаб чиқаришда 100 йиллик тажрибага эга «ZENNER» фирмасининг маҳсулотлари 70 дан зиёд мамлакатларга экспорт қилинади. Мана шундай сифатли маҳсулотни ишлаб чиқарар эканмиз, албатта улардан кўзланган асосий мақсад — тежамкорликда юқори самара беришига эришишдир. Энди ўлчагичларни ўрнатишга келсак, бу аҳолига яна бир қулайликки, ортиқча оворагарчиликларнинг олди олинади. Агарда бирорта носозликлар бўлса, тезда сервис хизматини кўрсатиш ҳам кўзда тутилган.

Жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида 45 минг донадан зиёд ҳисоблагичлар тайёрланиб, хонадонларга ўрнатилди ва буюртмачиларга етказиб берилди. Шунингдек, корхона тадбиркорлари бозор иқтисодиёти талаблари асосида иш юритиб, ишлаб чиқаришнинг янги йўналишлари устида иш олиб боришмоқда. Улар энергия ресурсларини тежаш мақсадида қуёш коллекторларини тайёрлашни йўлга қўйишмоқчи. Шунингдек, юқоридаги қарор ижросини таъминлаш учун буюртмачилар сафини кенгайтиришга эътибор қаратилган. Тадбиркорлар ўз маҳсулотларини «Аниқ ўлчов — маблағингиз иқтисодига гаров» шиори асосида тайёрлайди. Улар ўз меҳнатлари билан бебаҳо неъмат — сув исрофгарчилигининг олдини олаётганидан, истеъмолчиларга сарфига яраша ҳақ тўлашда имтиёз яратаётганидан беҳад мамнун.

**Дилноза СОДИҚОВА**

**СУРАТЛАРДА: бригада бошлиғи Рустам Турдиматов; метролог Фахриддин Аҳмедов ўлчагичлар сифатини таъминлашда муҳим ҳисса қўшмоқда.**
**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

## Сўранг, жавоб берамиз

### ТАЛАБ ҚИЛА ОЛАМАНМИ?

***Мен 1-гуруҳ ногирониман. Ўтган 2003-2004 йилларда коммунал хизматлари учун давлат нархларидан кўпроқ тўлов тўлаган эканман. Айтингчи, нафақахўр, ногирон ёки кам таъминланган фуқаролардан олинган ортиқча тўловни 2005 йил тўловларига қўшиб юбориш мумкинми? Менинг ана шуни талаб қилишим тўғри бўладими?***

**Мавлон Тўйчиев,**
**Яккасарой тумани.**

Албатта, тўғри бўлади. Фақатгина нафақахўр ёки ногиронлар эмас, балки бошқа фуқаролар ҳам бундай талаблар қўйишга ҳақли саналади. Сиз Фуқаролик кодексининг 10-моддасига кўра ўз ҳуқуқингизни талаб қилган ҳолда судга мурожаат қилишингиз мумкин.

### УМУМИЙ МУЛК ҚАНДАЙ БОШҚАРИЛАДИ?

***Кўп қаватли биноларда яшовчи хонадонлар мулкдорлари уйнинг умумий мулкини қандай қилиб биргаликда бошқариши мумкин?***

**Наргиза Исмоилова,**
**С.Раҳимов тумани.**

— Хонадонлар мулкдорлари ўзлари яшаётган уйнинг умумий мулкини уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УМШ)га бирлашган ҳолда бошқаради. Ширкат, бу — юридик шахс, нотижорат ташкилоти бўлиб, хонадон мулкдорларининг ярмидан кўпи қарорига мувофиқ биргаликда бошқариш ва умумий мулкни сақлашни таъминлаш мақсадида тузилади.

Шу боис ҳам ширкат сизнинг ташкилотингиз бўлиб, сиз ва қўни-қўшниларингиз ширкатдаги асосий шахслар ҳисобланасиз ҳамда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларингизга эгасиз.

### ИССИҚ СУВ НАРХИ ПАСАЙДИМИ?

***Яқинда бир танишимдан иссиқ сув нархи пасайганини эшитиб қолдим. Шу тўғрими?***

**Лазокат Файзиева,**
**Миробод тумани.**

— Жуда тўғри, "Тошиссиққуввати" ишлаб чиқариш бирлашмасидан маълум қилишларича 2005 йилнинг 10 октябрдан бошлаб иссиқ сув таъминоти учун хонадонларда ҳисобга олиш асбоблари ўрнатилмаган тақдирда киши бошига ойига 1550 сўмдан тўлов тўланиши белгиланган.

*Луқма*

## РАНЖИМАЙ ИЛОЖ ЙЎҚ

**Эрта тонгдан фаррошларнинг кўча супуриб йиғиб қўйган хазон, ахлат ва чиқиндиларини ўз вақтида олиб чиқиб кетаётган, шаҳримиз тозалигига ҳисса қўшаётган "Махсустранс" ходимларига миннатдорчилик билдириш лозим, албатта. Қачонки, улар ўз ишини сидқидилдан адо этишса...**

Фаррошларимизга ҳам раҳмат. Кузнинг хазонрезги кунлари уларнинг юмушларини янада кўпайтирди. Дарахтлардан ёғилаётган барглар "ёмғири" бир зумда кўчаю йўлакларни қоплайди. Лекин фаррошларнинг эрталабки меҳнатларининг қадрига етмаётган айрим ахлат ташувчи машинадаги ходимларнинг масъулиятсизлигидан ранжимай иложингиз йўқ. Нега дейсизми?

Бўлмаса эшитинг. Кўпинча шу ҳолнинг устидан чиқаман. Йўл четларида, бекатларда йиғилиб турган ахлат ва хазонларни машинага ортаётган ходимлар шошиб-пишиб уларни тозалаб олиш ўрнига ён-атрофга тўзғитиб, фаррошларга қўшимча иш орттиришади. Шу билан биргаликда тозаланган жой яна эски ҳолига қайтади-қўяди. Ахир уларнинг вазифаси тўкиб сочиш эмас, балки тўпланган чиқиндиларни олиб чиқиб кетишдан, ҳудуд орасталигига ҳисса қўшишдан иборат эмасми?

Агарда шу дамда уларга бирор оғиз танбеҳ бериб кўринг-чи — яхшигина жавоб эшитиб оласиз. "Ўзи бизни тергайдиганлар бор, сиз ортиқчасиз, ишингиздан қолманг", — дейишади жаҳл билан. Бу сизларни терғаш эмас, балки ўз вазифангизни астойдил бажаришга ундаш. Ахир "Биздан кетгунча, эгасига етгунча" қабилида иш юритиш инсофданми?!

Тез-тез учраб турадиган бундай аҳволга мутасадди ташкилот раҳбарлари қандай баҳо бераркин? Албатта ҳар бир ишда назорат ҳам бўлгани яхши-да.

# «АСАЛ ВА ЧОЙ»

**Тошкентда Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ташаббуси билан "Асал ва чой" деб номланган фестивал ўтказилди. Унда республиканинг барча ҳудудларидаги асаларичилар, шунингдек, Вьетнам савдо ташкилоти ва "Тошкент чой" фирмаси вакиллари иштирок этишди.**

Ташкилотчиларнинг таъкидлашларича, мазкур тадбир бебаҳо табиат инъоми бўлган асалнинг шифобахш хусусиятларини яна бир бор намойиш этиш, уни етиштириб берувчиларга эса ўз маҳсулотларини хорижий давлатларга экспорт қилишлари учун имконият яратиш мақсадида ташкил этилди.

— Тошкент асаларичилар жамияти 1949 йилда тузилган. Ҳозирда унинг аъзоларининг сони 250 нафарга етди, - деди жамият раҳбари Зокиржон Мирҳожиев. - Жамият томонидан асаларичиларга маҳсулотларини қайта ишлашда яқиндан ёрдам кўрсатилади. Жумладан, соҳага доир керакли маслаҳатлар берилади, асаларичилик билан эндигина шуғуллана бошлаганлар учун эса ўқув курслари, ўзаро тажриба ва малака алмашиш имконини берувчи семинарлар ташкил этилади.

Вьетнамнинг Ўзбекистондаги элчихонаси савдо маслаҳатчиси Дин Зуй Чунг ўзбек асалига юқори баҳо берди. Савдо маслаҳатчисининг таъкидлашича, Вьетнам чойлари 70дан ортиқ давлатларга экспорт қилинади. Ҳар йили Вьетнам 100 миллиондан ортиқ тонна чой маҳсулотини экспорт қилади.

Фестивалда 10 навдаги асал, ўндан ортиқ турдаги гул чанглари, прополис, асал ари сути ҳамда Вьетнамда ишлаб чиқариладиган чойлар намойиш этилди.

**"Туркистон-пресс"**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР — ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ 2005 ЙИЛ 16 НОЯБРДАГИ ҚАРОРЛАРИГА АСОСАН ТУГАТИЛГАН КОРХОНАЛАР РЎЙХАТИ

| № | Корхона номи | Мақоми | СТИР | Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами | | ХТУТ (ОКРО) | Хўжалик судининг қарори рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ANDAR | мчж | 204629917 | 28.07.2003 | 1200 | 19141803 | 10-0501/11117 |
| 2 | HANGUK | мчж | 204027075 | 02.05.2002 | 442 | 18523336 | 10-0501/11118 |
| 3 | EN-KO SERVIS | хк | 204950661 | 18.03.2004 | 000254-03 | 19395774 | 10-0501/11119 |
| 4 | ELSI-VIST | мчж | 204804493 | 23.01.2004 | 000166-03 | 19321534 | 10-0501/11120 |
| 5 | AYYANA | хф | 202345924 | 29.07.1997 | 303 (403) | 16823063 | 10-0501/11121 |
| 6 | UZAVTO-LOMBARD | хк | 205244914 | 11.10.2004 | 1038 | | 10-0501/11122 |
| 7 | PARADIZ-PLUS | хк | 205277255 | 17.11.2004 | 000654-03 | 19815437 | 10-0501/11123 |
| 8 | NAFIS-ABZAL | мчж | 200507991 | 03.04.1995 | 125/13(663) | 15615730 | 10-0501/11124 |
| 9 | KOREAN FOOD | хф | 204461684 | 26.03.2003 | 596 | 18985479 | 10-0501/11125 |
| 10 | RUSLAN VA LUDMILA | хф | 203454155 | 12.06.2000 | 678 | 17921230 | 10-0501/11126 |
| 11 | MIR-FAR-MIR-TAOM | хф | 204467043 | 31.03.2003 | 618 | 18985798 | 10-0501/11127 |
| 12 | KALLETA-SKOGUL | мчж | 203552549 | 05.03.2001 | 468 | 17989386 | 10-0501/11128 |
| 13 | KO'RKAM BINO QURILISH SERVIS | хк | 204362429 | 29.01.2003 | 151 | 18877519 | 10-0501/11129 |
| 14 | EKOTIME | мчж | 204281957 | 13.12.2002 | 1437 | 18819657 | 10-0501/11130 |
| 15 | LUSI | хф | 203040229 | 29.01.2001 | 99 | 17436486 | 10-0501/11131 |
| 16 | AGROSINTEZ SERVIS | хф | 202821815 | 22.03.1997 | 376 | 17286035 | 10-0501/11132 |
| 17 | AZIYA-ELIT-LYUKS | хк | 205240627 | 08.10.2004 | 000565-03 | 19781721 | 10-0501/11133 |
| 18 | SILVER-FOX | хк | 205098067 | 20.08.2004 | 000386-03 | 19656173 | 10-0501/11134 |
| 19 | ДЕМАНД (АЗИЯ) | хф | 200507596 | 17.02.1995 | 132/6 | 15090262 | 10-0501/11135 |

**Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Кредиторлар икки ой мобайнида Миробод тумани ҳокимлигининг махсус комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги "Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3202-сонли Фармони ҳамда хўжалик бирлашмалари таркибига кирувчи корхоналар фаолиятига ноқонуний аралашувларни аниқлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан 2003 йилнинг 26 майида 1243-сонли қарор қабул қилинди.*

*Ушбу қарор билан корхоналарнинг оператив хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолларига барҳам беришда доимий мониторинг ўрнатиш тартиби белгиланган.*

*Мониторингни киритиш хўжалик жамиятлари таркибига кирувчи корхоналарнинг хўжалик фаолиятига аралашиш ҳолларини аниқлашга, улар бўйича тегишли чоралар кўришга, шу каби аралашиш ҳолларини бартараф қилишга қаратилган тизимни ташкил этишга имкон беради.*

*Мазкур мониторингни амалга ошириш мақсадида, Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан корхоналарга сўровномалар тарқатиш йўли билан ўрганиш ўтказилмоқда, "Ишонч телефони"лари ўрнатилган.*

*Сўров жараёнида ва ишонч телефонлари орқали олинган маълумотлар сир тутилади ва юқорида кўрсатилган мақсадларда фойдаланилади.*

***Корхоналарнинг оператив хўжалик фаолиятига аралашиш ҳоллари тўғрисидаги маълумотларни Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасидаги 133-67-90 рақамли "Ишонч телефон"и орқали бериш мумкин.***

Иқтисодий Тадқиқотлар ва Таълим Маркази нодавлат нотижорат ташкилотининг қайта ташкил этилиши муносабати билан у «Xalqaro Biznes Ta'lim va Madaniyat Servisi» масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади ва ўз юридик манзилини ўзгартиради. Барча даъволар мазкур эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида 132-17-25 телефон рақами орқали қабул қилинади.

## Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар ДИҚҚАТИГА!

**Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.**

**Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:**

## Турфа латифалар

—Жонгинам, сени денгизга мотори бақувват, катта машинада олиб борайми?

—Ҳа, албатта.

—Унда автобус бекатига кетдик!

* * *

—Атом тревогаси бўлиб қолса нима қилиш керак?

—Тезлик билан оқ чойшабни олиш, тезлик билан кўчага югуриб чиқиб, тезлик билан асфальтга ётиш зарур ва тезлик билан оқ чойшабни ёпиб, секин-аста гўристон томонга эмаклаш шарт.

—Нега секин-аста?

—Ортиқча ваҳима туғдирмаслик учун...

* * *

Она қизига деди:

—Уялмайсанми, қизим! Сен тенги дугоналаринг аллақачон турмушга чиқиб, ажралишиб бўлди. Сен бўлсанг турмушга чиқишни хаёлингга ҳам келтирмайсан...

* * *

—Тўтиқушим йўқолди дейсизми?

—Ҳа.

—Гапирадиган тўтиқушми?

—Ҳа-да.

—Ким топиб берса суюнчи берасизми?

—Ҳа, албатта 16 га тўлмаган болалар уни тутиб олишини асло истамасдим...

* * *

—Нега бунча хомушсан?

—Собиқ хотинимнинг эри кўнғироқ қилиб, у овқат пиширишни билмаганлиги учун мени ҳақорат қилди.

* * *

—Жаноб директор, кассир излаётган эмишсиз?

—Ҳа, тўғрироғи иккита кассир излаяпмиз. Эскисини ҳам, янгисини ҳам.

* * *

Бир киши қўлида чақалоқ билан врач қабулида:

—Доктор! Биласизми, болам олти ойлик бўлсаям, ҳамон кўзи очилгани йўқ. Врач болани обдон текшириб:

—Биласизми, болангиз-мас, аксинча сизнинг кўзингизни очиш керакка ўхшайди.

—Нега энди?

—Ахир бу хитой миллатига мансуб-ку?

* * *

Жарроҳ ишдан тунд қайтарди. Эшик олдида эса уни ити эркаланиб қарши олди. Жарроҳ итни силай туриб, деди:

—Бўлди, суйкаланаверма. Бугун операция қиладиган куним эмас.

* * *

Беморга таскин:

—Сизни операция ёмон чиқса нима бўлади, деган савол қизиқтиряптими? Ташвишланманг. Ёмон чиққан тақдирдаям ўзингиз буни билмай қоласиз.

* * *

— Доктор, аъзойи-баданим қичишиб кетяпти.

— Охирги марта қачон чўмилгандингиз?

— Икки йил муқаддам.

— Эсингиз жойидами?

— Ахир ўзингиз икки йил аввал «баданингга сув тегмасин», деган эдингиз-ку?!

*Синхрон сузиш*

## «СУВ ПАРИЛАРИ» МАҲОРАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

**Куни кеча шаҳримиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасининг Сув спорти саройида олтинчи маротаба ўтказилган «Сув париси» халқаро турнири ҳамда Ўзбекистон очиқ Кубоги мусобақаси ниҳоясига етди.**

Аввал хабар қилинганидек, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Касаба уюшмалари федерацияси, жисмоний тарбия ва спорт жамияти, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими, Ўзбекистон «Спешл Олимпикс» ташкилоти ва Ўзбекистон Синхрон сузиш федерацияси томонидан ташкил этилган бу йилги мусобақада мамлакатимиз спорт усталари билан бир қаторда Қозоғистон ва Ҳиндистон давлатларининг моҳир, нафис сузиш усталари ҳам иштирок этишди.

«Сув пари»лари уч йўналиш — жамоа, дуэт ва соло чиқишларида турли куй оҳангларига мос сув усти ва ости рақсларини икки кун давомида намойиш этиб, барчани ҳайратга солди десак муболаға бўлмайди.

— Олти йилдан буён синхрон сузиш билан шуғулланиб келаман, — дейди пойтахтимиздаги 246-мактаб ўқувчиси Динара Ибрагимова. — Сувда чиройли ҳаракат қилиш жуда мураккаб ва қийин. Айнан шу жиҳатлари билан син-хрон сузиш спортнинг бошқа турларидан ажралиб туради. Мен у ёки бу усулни намойиш этиш қанчалик қийин бўлмасин, нозик ва нафисликка эришишга ҳаракат қиламан ва бунда ўйлайманки томошабинларнинг олқишлари ҳам ўзига хос мадад бўлмоқда.

Икки кун давом этган турнирда пойтахтимиздан Дарья Можаева, Валентина Попова, Анастасия Рузематова, Азиза Мусақуловалар ўз маҳоратларини кўрсатиб, умумжамоа натижалари бўйича шоҳсупа тўрини эгаллашга муваффақ бўлдилар. Қозоғистонлик спортчилар — иккинчи, ҳиндистонлик син-хрон сузувчилар учинчи ўринни қўлга киритишди.

Мусобақа ғолиблари ҳамда барча иштирокчилар ташкилотчилар томонидан Фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Шаҳло ҲОШИМОВА**







*Оғир атлетика*

## ШОҲСУПА ТЎРИДА — ЭНГ КУЧЛИЛАР

**Шаҳримиздаги Олимпия заҳиралари коллежида беш кун давомида ёшлар, аёллар ва эркаклар ўртасида оғир атлетика бўйича Ўзбекистон биринчилиги ва кубоги баҳслари бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси томонидан ташкил этилган турнирда республикамизнинг барча вилоятларидан келган спортчилар ўзаро баҳс юритишди.

Аёллар ўртасида ўтказилган баҳсларда 45 килограммгача вазн тоифасида 95 килограммлик оғирликни кўтарган Маҳлиё Тоғаева /Зарафшон/ ғолиб чиққан бўлса, кейинги вазнда фарғоналик Шаҳноза Шерматова 110 килограммлик штангани «забт» этишга муваффақ бўлди ва ғалаба нашидасини сурди.

57 килограммгача вазнда иккикураш натижасига кўра 155 килолик штангани кўтарган Елена Сисоева ўзига хос рекорд ўрнатди десак адашмаймиз.

Қолган вазнларда эса Эльмира Рамилева /Навоий/, Наталья Мельникова /Зарафшон/, Камола Чермашёва /Андижон/, Соҳиба Узоқова /Фарғона/ ҳамда Эллина Асланова /Зарафшон/лар энг юқори натижаларни кўрсатганлари ҳолда мусобақа ғолиблари бўлишди.

Эркаклар ўртасида ўтказилган мусобақада эса икки тошкентлик спортчи — 67 килограммгача вазнда Василий Хон, 110 килограммгача вазнда 288 килограммлик оғирликни кўтарган Александр Перевер-зев ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, оғир атлетикамиз фахрийлари, қатор халқаро мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорлари, бир неча бор мамлакат чемпионлари бўлган зарафшонлик икки спортчи — Александр Ўринов иккикураш натижасига кўра 380 килограмм, Игорь Халилов эса 390 килограммлик миқдорни забт этганлари ҳолда ғолиблар сафини бошқаришди.

Мусобақалар давомида кўрсатган натижаларига кўра илк бор Эльмира Рамилева, Баҳодир Тошпўлатов ва Баҳром Ниёзовлар спорт устаси талабларини бажаришди.

Анчайин салмоқли натижаларга эришган Елена Сисоева ҳамда Руслан Алпановлар халқаро тоифадаги спорт устаси меъёри талабларини адо этишди.

Мусобақанинг барча ғолиб ва соврин дорларига медаллар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

**(Ўз мухбиримиз).**

**СУРАТЛАРДА: оғир атлетика бўйича Ўзбекистон биринчилиги ва кубоги баҳсларидан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар.**

**"Пахтакор" марказий стадионига йиғилган ишқибозлар мамлакат чемпиони "Пахтакор" ҳамда юртимизнинг номдор жамоаларидан бири — Фарғонанинг "Нефтчи" клуби ўртасидаги Ўзбекистон Кубоги финал учрашувининг гувоҳига айланишди.**

*Футбол*

## "ПАХТАКОР" — БИЛЛУР СОВРИН СОҲИБИ

Айтиш жоизки, ҳар сафар биллур соврин соҳиблиги учун кечадиган баҳс шиддатли курашлар остида ўтган. Бундан ташқари Ўзбекистон Кубоги финалида шу кунгача "Пахтакор" етти марта, "Нефтчи" эса олти марта қатнашишга муваффақ бўлган. Дарвоқе, "пахтакор"чилар биллур совринга олти маротаба, фарғоналиклар эса икки маротаба эгалик қилишганини ҳисобга оладиган бўлсак, жорий йилги учрашувнинг ҳам муросасиз ўтиши тахмин қилинганди. Финал беллашувини тажрибали ҳакам Ғайрат Каримов бошқарган бўлса, унга Рашид Айтеков ва Александр Тамбовцевларнинг ёрдам беришгани мазкур баҳснинг аҳамияти нечоғлик катта эканлигини яққол исботлайди. Бош мураббий Равшан Ҳайдаров "Пахтакор"ни қуйидаги таркибда майдонга туширди. Нестеров, Гочкулиев, Алиқулов, Николаев, Суюнов, Жепаров, Пономарёв, Копадзе, Байрамов, Солиев (Кирьян), Соломин. Мутахассислару мухлислар кутганидек, ҳар икки жамоа майдонда дастлаб эҳтиёткорроқ ҳаракат қила бошлашди. Аммо, тошкентликлар тўпни бирбирига аниқ узатиб рақиб дарвозасига хавф уюштиришда барибир фарғоналиклардан устунлик қилишди. Биринчи бўлимнинг йигирманчи дақиқасига қадар фарғоналиклар дарвозаси Николаев, Соломин, Жепаровлар томонидан ишғол этилиши мумкин эди. Бироқ, ҳал қилувчи паллада "пахтакор"чилардан ҳужумларни ниҳоясига етказиш борасида омад юз ўгирди. Бироқ, 26-дақиқада жамоадошлари бошлаган ҳужумни чемпионат тўпурари Анвар Солиев қойилмақом тарзда ниҳоясига етказди. Унинг боши билан йўллаган зарбаси дарвоза тўридан жой эгаллади. Қолган дақиқаларда ҳар икки жамоа ҳисобни ўзгартиришга ҳарчанд интилмасин, Солиевнинг голи яғоналигича қолди.

Хуллас, мазкур баҳсда 1:0 ҳисобидаги муҳим ғалабани қўлга киритган "пахтакор"чиларга еттинчи маротаба биллур соврин соҳиби бўлиш насиб этди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

*Мунажжим башорати*

## ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР, МУТОЛААЛАР КУНИ

### 30 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

**Аввало, мунажжимларимиз бугун воқеалар кутилмаган йўналиш олишини келажак билан учрашиш, истиқболли таклифлар башорат қилишган.**

Бошқа бир гуруҳ мунажжимлар барча муҳим ишларни, битимларни албатта бугунча кечиктириб туришни, сафарларни ҳам эртанги кунга қолдиришни тавсия этишган. Автомобиль билан муносабатда ҳам эҳтиёткорлик маслаҳат берилади. Бирон-бир ташвиш орттирмаслик учун бир уринишда мотори ўт олмаган автомобилга ўтирманг. Бугун энг оддий кундалик юмушлар – харидлар, уй кўтариш, овқат тайёрлаш билан банд бўлиш кўпроқ мақсадга мувофиқ.

Бугунги кун ахборотларни ўзлаштириш учун қулай – илмий изланишлар, китоб мутолааси, бадиий ижод ва мантиқий масалаларни ечиш билан шуғулланиш мумкин. Бугун уйда нон ёпиш ёки сомса пишириш фойдали бўлади – уларнинг ёқимли исидан ёмонлик шарпалари қочади.

Шаҳар ташқарисига саёҳатлар, ҳуқуқий мавзуларда мулоқотлар, никоҳ тўйлари, никоҳ фотиҳалари, маблағларни бирор ишга тикиш, турли жамиятлар, ташкилотларга асос солиш учун ҳам бугунги кун хайрли ҳисобланади.

Қуёш тақвими бўйича 15-кун бўлган бугун таъмирлаш-тиклаш ишлари билан шуғулланиш ва пулмолия амалиётларидан нарироқ бўлиш тавсия этилади.

Эшик синиши ёки қулфнинг бузилиши, шунингдек, калит ёки майда пулларни йўқотиш бугун нохушлик аломатлари ҳисобланади.

Бу кеча кўрадиган тушларингиз мулк билан боғлиқ бўлиб, ўнгидан келиши кутилади. Демак, уларни эслаб қолишга ҳаракат қилиш керак.

Жигар ва ўт пуфаги бугун заифлашган ҳолатда бўлиб, хасталикларга мойиллик кучайиши эҳтимоли бор. Аллергия хуруж қилиши мумкин.

Оқ ва олтинранг либослар бугун сизга омад келтириши мумкин. Қора ва кўк рангли либосларингиздан воз кечиб тура туринг.

**БУГУН:**

— ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳамда сира кечиктириб бўлмайдиган ишлар билан шуғулланиш;

— ҳар қандай ишда аниқлик ва саранжомликка риоя қилиш;

— имкон қадар бугунги кунни дам олиш ва саломатлигингизни тиклашга бағишлашингиз;

— парҳез ва овқатланиш режимига риоя этиш;

— бугун бажариш учун энг оддий вазифаларни мақсад қилиб қўйиш;

— зарурат туғилганда зудлик билан шифокорга мурожаат этиш тавсия қилинади.

Тақдирингизга салбий таъсир этувчи қилмишларни содир этиш, сафарга айниқса ёлғиз чиқиш, енгилтаклик ва бепарволикка йўл қўйиш, дори-дармонлардан ноўрин фойдаланиш хатарли бўлиб, улардан ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2495 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-108.

23456